O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY FOTOO'QOV PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
17 SENTABR
SESHANBA
№ 117 (26.976)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ХДП ХАБАРИ

САМИМИЙ СУҲБАТ

2002 йил 12 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шарат Сабхарвал қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга мустақил юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ХДПнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки тўғрисида сўзлаб берди.

Элчи Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик ва унинг истиқболлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Суҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов иштирок этди.

■ **ЎзХДП МК матбуот хизмати**

ЁРҚИН ТААССУРОТЛАР ҲАДЯ ЭТГАН ТУРНИР

Мамлакатимиз пойтахти теннис кортларида ҳаяжонларга бой, муросасиз баҳслар билан кечган Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги анъанавий халқаро теннис турнири 14 сентябрь куни ниҳоясига етди. Бир ҳафта давомида ҳамюртларимиз ва ҳатто дунёдаги миллионлаб теннис мухлислари юртимизда ўтказилган катта теннис байрамини кузатиб борди.

Мазкур мусобақа катта теннис Ўзбекистон аҳлига ва ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам спортнинг ана шу нафис ва жозибадор турига тобора манзур бўлиб бораётганини яна бир бор исботлади. Ўтган йиллар мобайнида пойтахтимиз, ҳақли равишда, жаҳондаги теннис муттасил ривожланаётган, спортчилар ва мухлисларнинг диққатини тортадиган нуфузли халқаро мусобақалар марказларидан бирига айланди. Бу йил Тошкентда тўққизинчи бор ташкил қилинган «Президент Кубоги» беллашувлари бунинг яққол далилидир.

Кетма-кет уч йил АТП таснифидаги мусобақаларнинг энг яхшиси деб топилган «Президент Кубоги» халқаро турнирининг бу галги финал учрашувида россиялик Евгений Кафельников ва беларуслик Владимир Волчков кортга чиқди. Кескин курашлар остида ўтган бу беллашувда ҳар иккала теннисчи ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди. Мусобақа бошиданоқ ғолибликка асосий даъвогарлардан бири ҳисобланган Евгений Кафельников турнирнинг бош совринини қўлга киритди.

Жаҳон теннисчилари тожини кийишга муяссар бўлган Карлос Мойя, Евгений Кафельников ва Марат Сафиннинг «Президент Кубоги»да бир неча йилдан бери иштирок этиши турнирнинг нуфузини белгиловчи яна бир омилдир. Шу ўринда Марат Сафин айнан Тошкентдаги ғалабасидан кейин Сиднейда ўтказилган Олимпиада ўйинларига дунёнинг биринчи рақамли теннисчиси сифатида йўл олганини ҳам айтиб ўтмоқ керак.

...Майдонга халқаро турнир қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг давлат байроқлари олиб кирилади. Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими бошланади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

— Ҳафта давомида биз муросасиз, айни пайтда жўшқин ва қизиқарли спорт баҳсларининг гувоҳи бўлдик, — деди давлатимиз раҳбари. — Бу йил бир қанча таниқли теннис усталари иштирок этган турнириимиз катта теннис қандай улкан қадамлар билан олға бораётганини яна бир бор намойиш этди.

Жаҳон майдонига янги мамлакатлар, машҳур теннис усталарига рўбарў келишдан ҳайиқмайдиган, ғалабага иштиёқи юксак ёшлар кириб келаётганини кўрсатди. Аминманки, мазкур турнир ёдимизда ёрқин таассуротлар қолдиради, мамлакатимизда теннис ривожини янада юқори поғонага кўтариш баробарида спортнинг бу гўзал тури бутун дунёда янада ривож топишига кучли туртки беради.

Турнирни тайёрлаган ва юксак савияда ўтказган барча ташкилотчиларга — Сассон Какшури жамоасига, супервайзер Томас Карлберг бошчилигидаги ҳакамлар гуруҳига, турнирни тўлиқ ёритиб борган, теннисниинг миллионлаб мухлисларига қувонч бағишлагани учун оммавий ахборот воситалари ходимларига миннатдорлик билдираман.

Шу билан бирга, турнир давомида фаол иштирок этган ва қўллаб-қувватлаган барча теннис мухлисларига очиқ кўнгиллиги ва меҳмондўстлиги учун ташаккур айтмоқчиман.

Азиз дўстлар, деди Юртбошимиз пировардида, бугун мана шу ажойиб кошонада, икки соатдан ошиқ вақт давомида ҳаммамиз қизиқарли баҳснинг гувоҳи бўлдик.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов халқаро турнир ғолиби Евгений Кафельниковга мусобақа кубогини, Владимир Волчковга эса махсус совринни топширди.

Миллий анъанамизга кўра, финал иштирокчиларига тўн ва дўппи кийдирилди.

— Агар мана шу соврин «Президент Кубоги» бўлмаганида, уни Ислом Каримовдек ажойиб Президент менга топширмаганида эди, — деди Евгений Кафельников, — Владимирга бажонидил берган бўлардим. Аммо бу кун менинг ҳаётимда бир умр эсда қолади. «Президент Кубоги»ни қўлга киритиш учун бор куч ва маҳоратимни аямадим. Бу мусобақа юрагимга шунчалик яқинки, уни ҳеч нарсага, ҳатто «Катта дубулға» туркумидаги совринларнинг биронтасига ҳам алмашмайман.

Шундай қилиб, нуфузи тобора ошиб бораётган «Президент Кубоги» турнири ниҳоясига етди. Узоқ-яқиндан келган спортчилар ва катта теннис мухлислари бир-бирлари билан ана шу шукуҳли мусобақада келгуси йил учрашгунча хайрлашдилар.

■ **Озод РАЖАБОВ, ЎзА мухбири**



Суратларда: турнирнинг ҳаяжонли лаҳзалари

■ **Абдувоҳид ТЎРАЕВ ва Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

ЯНГИ ЗАВОД, ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

Янги мавсумни ғиждувонлик пахтакорлар қўшалоқ қувонч билан бошладилар. Саралаб терилган «оқ олтин» куни кеча янги пахта тозалаш заводига топширилди. Шу муносабат билан ғиждувонлик уста пахтакорлар, қайта ишловчилар қарийб йигирма гектарни эгаллаган, энг сўнгги технология билан жиҳозланган, юқори самарадорликка эга бўлган йирик завод ҳовлисига тўпландилар.

Қисқа муддат — саккиз ойда қуриб битказилган заводни «Бухоропахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли хўжалик ҳисобидаги қурилиш корхонаси жамоаси бунёд этди. Замонавий завод қурилишига 2,5 миллиард сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланди. Энди бу ерда ҳар мавсумда экологик талабларга жавоб берадиган ҳолда 80 минг тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш имконияти юзага келди.

Яна бир жиҳати — янги корхонанинг қисқа технология асосида фаолият кўрсатиши ҳар йили 100 миллион сўм қўшимча даромад қилиши аниқ. Аниқроғи, биргина электр энергиясига кетадиган сарф 15 миллион сўмга қисқаради.

Ана шу ижобий томонлар заводни фойдаланишга топшириш маросимида алоҳида таъкидланди. Тўпланганларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков қизғин табриклади.

Тантаналарда республика Бош вазири ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н. Юсупов, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси Э.Зикриёев, Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусеновлар қатнашдилар.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ҚИШЛОҚДА ТЕННИС КОРТИ

Бундан ўн йиллар муқаддам қишлоқ мактабларининг битта-яримтасидаги зўрма-зўраки залини ҳисобга олмаса, махсус спорт мажмуалари йўқ ҳисобида эди. Энди юртимизда спортга муҳаббат амалда ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, Наманган вилоятининг деярли барча туманларида спорт мажмуалари қуриб, ишга тушириш анъанага айланмоқда.

Наманган тумани марказида халқаро андозаларга мослашган ёпиқ теннис корти ишга тушди. Туман йўл қурилиши бўлими ҳомийлигида ҳамда мавжуд ташкилотлар, ишбилармон ва тадбиркорларнинг моддий кўмаги билан мажмуани бунёд этиш учун 110 миллион сўм маблағ сарфланди. Оммабоп спорт тури билан шуғулланиш учун бу ерда барча шароитлар муҳайё қилинган.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 17 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	435,00	1 Польша злотийси	189,70
1 Англия фунт стерлинги	1228,49	1 СДР	1049,56
1 Дания кронаси	103,57	1000 Туркия лираси	0,48
1 БАА дирхами	215,90	1 Швейцария франки	523,87
1 АҚШ доллари	792,93	1 ЕВРО	768,87
1 Миср фунти	171,63	10 Жанубий Корея вони	6,51
1 Исландия кронаси	9,08	10 Япония иенаси	65,03
1 Канада доллари	502,17	1 Россия рубли	25,06
1 Хитой юани	95,80	1 Украина гривнаси	148,78
1 Малайзия рингити	208,69		

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

БУЮК МАҚСАДЛАР, КЎЗЛАНГАН ИШЛАР

Бу галги шарҳимизга мамлакатимиз ҳаётида рўй берган кўпдан-кўп муҳим воқеаларнинг асосан иккитасини мавзу қилиб олдик. Биринчиси, бу — шубҳасиз, Президентимиз Ислом Каримовнинг 9 сентябрь куни Қозоғистон Республикасига ташрифи бўлди. Ўзбек ва қозоқ халқларини азалий дўстлик, биродарлик ришталари бирлаштириб туради. Тили, дини, маданияти ва ўтмиши бир бўлган икки қардош халқнинг истиқболдаги мақсадлари муштараклиги ҳам шаксиз.

Остонада ўтган учрашувда ён қўшни — жон қўшни мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш, уни янги поғоналарга кўтариш масалалари юзасидан ўзаро фикрлашилди.

Президентлар иқтисодий тизимлардаги ҳамкорликни кучайтириш, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, фойдаланилмаётган иқтисодий имкониятларни ишга солиш чора-тадбирлари ҳақида ҳам маслаҳатлашиб олдилар. Биргина мисол, мамлакатлар ўртасида товар айирбошлаш ҳажми шу йилнинг биринчи ярмида 124 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлди. Ўзаро келишувда бу кўрсаткични янада ошириш масаласининг аниқ саъй-ҳаракатлари белгилаб олинди.

(Давоми 3-бетда)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ҚАРЗ ВА ҚАРЗДОРЛИК»

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 29 июнь сонида чоп этилган «Қарз ва қарздорлик» мақоласи вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари иштирокида «Электрокимё» заводи акциядорлик жамиятининг кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама қилиниб, мақолада кўтарилган масалалар долзарб эканлиги эътироф этилди.

Мақола муҳокамасидан сўнг, корхона раҳбарияти томонидан корхонанинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш, омборлардаги тайёр маҳсулот қолдиқларини сотиш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.

Жорий йил бошига нисбатан тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзлар 1225,8 миллион сўмдан 515,8 миллион сўмга, корхона омборларидаги аввалги йиллардан буён сотилмай келинаётган товар қолдиқларини 3754,8 миллион сўмдан 2185,0 миллион сўмга камайтирилди.

Вилоят ҳокимлиги мақолада келтирилган масалалар бўйича корхонада белгиланган чора-тадбирларни бажариш юзасидан назорат ўрнатган бўлиб, корхона фаолиятини ривожлантириш учун зарурий чоралар кўрмоқда.

■ **Навоий вилояти ҳокими ўринбосари Д.КУШАНОВ**

* * *

«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти «Қарз ва қарздорлик» мақоласини диққат билан ўрганиб чиқди. Мақола муаллифи нафақат «Электрокимё» заводи ҚКАЖ, «Ўзкимёсаноат» ДАК учун, балки бутун республикага таалуқли муҳим масалага эътиборни қаратган.

Шуни маълум қиламизки, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 16 июндаги қарори билан қишлоқ хўжалигини кимёвий препарат билан таъминлаш тартиби тасдиқланган бўлиб, унда ҳар йили тегишли давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўрт босқичда иш бажарилиши кўзда тутилган. Бунда эҳтиёж ўрганилади, баланс тайёрланади, таъсир қилувчи моддалар ва тайёр препаратлар сотиб олинади ва ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади. Айнан, шу қарор асосида «Электрокимё» заводи ҚКАЖда импорт бўйича келтириладиган, тендер комиссияси қарори билан сотиб олинадиган таъсир қилувчи моддалар ва компонентлардан кимёвий препаратлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Юқорида кўрсатилган тартиб билан белгиланган ишларнинг баъзи босқичлари йил сайин ўз вақтида ва тўла бажарилмади. Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил февралдаги 63-сонли қарори билан янги «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари, кимёвий маҳсулотлар учун буюртмаларни шакллантириш, чиқариш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби» тасдиқланган.

Шунга кўра, ҳар йили 1 октябрдан кечиктирмай «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ДАКнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг буюртмаларини умумлаштириш асосида минерал ўғитларга, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига, бошқа кимёвий маҳсулотларга келаси йил учун давлат сотиб олишига алоҳида ва тижорат шартнома буюртмалар бўйича алоҳида умумлаштирилган эҳтиёж истиқболини шакллантириш кўзда тутилган.

5 йилдан бери препаратлар ишлаб чиқариш учун таъсир қилувчи моддаларни сотиб олиш, қишлоқ ва сув хўжалиги буюртмалари бўйича идораларо тендер комиссияси томонидан амалга оширилади. Аммо, на Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, на «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ДАК буюртмалар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Натижада ишлаб чиқарилган препаратлар ва таъсир қилувчи моддалар «Электрокимё» заводи омборларида йиғилиб қолмоқда. Бу тўғрида «Ўзкимёсаноат» ДАК Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги ва «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ДАК раҳбариятига кўп марта маълум қилган.

Мақолада келтирилган «Раксил» препаратига келсак, улар республикага «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ДАК томонидан олиб келинади ва ҳозирги вақтда корхонада мавжуд «Буғдойдор» препаратини тегишли идоралар томонидан ишлатилишига кўрсатма берилиши хусусида Вазирлар Маҳкамасига мурожаат қилинган.

Мақола «Ўзкимёсаноат» ДАК бошқаруви мажлисида муҳокама этилди. Бу ҳақда тегишли баённомавий қарор қабул қилинган. Компания бошқаруви газета таҳририятига компания учун долзарб бўлган муаммолардан бирини кўтаргани учун миннатдорчилик билдиради.

■ **«Ўзкимёсаноат» Давлат акциядорлик компанияси раиси Ў.ҲАСАНОВ**

ФАРОВОНЛИК КАЛИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида мамлакатимиздаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва унда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишлари ҳамда тамойиллари ҳақида фикр юритиб, жумладан, сиёсий партиялар, нодавлат жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш, уларнинг янги жамиятни, замонавий давлатчиликни барпо этишдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш масалаларига эътиборни қаратди.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда аҳамияти, дарҳақиқат, беқиёс. Мазкур масалага оид қатор саволлар билан мухбиримиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВга мурожаат этди.

Савол: — Сиёсий партияларнинг, мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент ислоҳоти муносабати билан, Олий Мажлиснинг бўлажак икки палатали тизимидаги ўрни, мавқеи ва аҳамияти тўғрисидаги фикрларингизни билмоқчи эдик. Ўзбекистон Халқ демократик партияси янги парламентдан муносиб ўрин олиш учун нималарни амалга оширмоқчи?

Жавоб: — Биз ҳурматли Президентимиз И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги дастурий маърузаларидаги барча қоида, фикр-мулоҳазаларни, хусусан, Юртбошимизнинг ундаги мамлакат парламентини икки палатали қилиб ташкил этилиши, унинг қуйи — Қонунчилик палатаси, асосан, сиёсий партиялар вакилларидан иборат бўлишлигининг жамиятимизни сиёсий жиҳатдан фаоллаштиришга, юртимизда мавжуд сиёсий партияларни заиф ва мўрт ҳолатдан чиқиб, ўз фаолиятларини жонлантиришга туртки бериши, шунингдек, уларни Ўзбекистонда, тараққий топган демократик давлатлар тажрибаси асосида, ўз ичига демократик мухолифатни олувчи парламентаризм тизимини шакллантиришга ҳисса қўшишлари лозимлиги тўғрисидаги хулосаларини ниҳоятда катта мамнуният, зўр қониқиш билан кутиб олдик. Партиямиз ўзининг бутун куч-ғайратини айни шу вазифаларни адо этишга сафарбар этган. Зеро, ушбу фикрлар ўзини ҳурмат қиладиган ҳар қандай сиёсий партия учун дастуриламал бўлишга лойиқдир. Ахир, сиёсий партиянинг унинг ўзи даъват этилган мақомга лойиқ бўлишдан, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзига муносиб ўрин эгаллашдан зиёд мақсад-муддаоси борми?

Сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамиятининг кутилаётгандек ўсиши, мамлакат парламентини шакллантириш тартибининг, Ўзбекистон Республикасининг «**Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида**»ги Конституциявий Қонунига мувофиқ, ўзгариши муносабати билан, янги чақириқ Қонунчилик палатаси депутатларининг бўлажак сайлови натижалари ила белгиланади.

Шуни ҳисобга олиб, шунингдек, бўлажак сайловларда давлат ҳокимияти олий вакиллик идораси тизимида муносиб ўрин эгаллаш мақсадида, биздан ўз ишимизни қайта қуриш талаб қилинади.

Бу ерда шундай савол туғилади: сиёсий партия учун мамлакат парламентидаги «муносиб ўрин» дегани нима ўзи? Маълумки, сиёсий партиялар, мумтоз маънода, демократик жамиятларнинг фарзандлари бўлиб, айни пайтда, улар ушбу жамиятларнинг пойдор аҳамиятга молик устунларини ташкил этадилар.

Уларни тузишдан асосий мақсад — демократик йўл билан, яъни эркин сайловлар орқали давлат ҳокимияти идораларини шакллантириш ҳуқуқини халқнинг қўлидан олиш ва уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш. Бундай ҳуқуқни, одатда, парламентдаги депутатлик ўринларининг эллик фоиздан ортиғини эгаллашга эришган парламент кўпчилиги сиёсий партияси қўлга киритади. Парламентдаги депутатлик ўринларининг эллик фоиздан камроғини эгаллаган сиёсий партия эса, давлат ҳокимияти идоралари фаолиятини демократик асосда ташкил этишнинг ажралмас қисми ва шунинг учун ҳам идора этувчи сиёсий партия нуфузидан кам даражада эътиборли бўлмаган, сиёсий мухолифат мақомига эга бўлади. Арзимаган миқдордаги ўринларга эга бўлган бошқа сиёсий партияларга учинчи партиялар мақоми билан кифояланишга тўғри келади.

Савол: — Бўлажак парламент қуйи палатаси, асосан, сиёсий партиялар вакилларидан ташкил топади. Бу борада партияда қандай тайёргарлик ишлари қилинмоқда?

Жавоб: — Табиийки, мамлакатимиздаги ҳар бир сиёсий партия (ХДП бу масалада истисно эмас), 2004 йилдаги сайловлар натижалари бўйича, парламент кўпчилиги партияси ва, унга мувофиқ, давлат ҳокимиятини шакллантириш ҳамда уни амалга ошириш ишига ҳал қилувчилик даражасида таъсир ўтказиш ҳуқуқини берувчи мақомни олишга интилади. Парламент кўпчилиги партияси мақомини бўлажак сайловларда қўлга киритиш насиб этмаган тақдирда, сиёсий мухолифат мақомини ҳам нуфузли мақом, деб ҳисоблаймиз.

Масаланинг ушбу тахлитда қўйилиши шунинг учун ҳам алоҳида долзарблик аҳамияти касб этмоқдаки, бўлажак парламентнинг қуйи палатаси, асосан, сиёсий партияларнинг вакилларидан ташкил топади. Бу, биласизки, на ҳозирги парламентни шакллантириш, на унинг фаолиятини таъминлаш нуқтаи назаридан кўзда тутилмаган эди.

Парламентнинг, хусусан, унинг қуйи палатасини, 2002 йилнинг 27 январь Референдуми якунларига мувофиқ, шакллантиришнинг янги тартиби, мантиқан, унинг давлат ҳокимияти ижроия идораларини шакллантиришда ҳам фаол иштирок этишини тақозо этади. Акс ҳолда, буларнинг ҳаммаси ўз маъноси ва аҳамиятини йўқотади. Зеро, парламент қандай қонунларни қабул қилмасин, ҳеч ким уларнинг ижроси учун ҳеч кимнинг олдида масъулият ҳис этмайди...?!

Бўлажак сайловлар натижаларига кўра, парламентнинг таъсирчан сиёсий кучи мақомини олиш – сўзсиз, осон иш эмас. Бунинг уддасидан чиқиш, авваламбор, партиямиз фаолиятида чуқур ўзгаришлар юз беришини талаб қилади. Шу муносабат билан, жорий — 2002 йилда барча даражалардаги партия кенгашлари (бундай кенгашлар бизда 200 дан зиёд), жамики партия тузилмаларининг фаолиятини жонлантиришга, ХДПнинг, унинг Олий Мажлисдаги фракциясидан тортиб, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларидаги депутатлик гуруҳларигача, парламентчилик ишини юксалтириш масалаларига бағишланган, семинар-кенгашларини ўтказдик. Ҳозир партиямизнинг 15 мингга яқин бошланғич ташкилотларида умумий мажлислар бўлиб ўтмоқда. Бир сўз билан айтганда, 600 минг атрофидаги аъзоларни ўз сафларида бирлаштирган партиямиз парламент ислоҳоти кенг қулоч ёзаётган мамлакатимиздаги сиёсий ўзгаришлар руҳи билан яшамоқда.

Савол: — ХДП қайси ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодалайди ва улар ХДПни қай даражада қўллаб-қувватлайдилар?

Жавоб: — Сиёсий партияларнинг вужудга келиши кишиларнинг эркинлик, адолатга бўлган эҳтиёжлари, хусусан, шу муносабат билан давлат ҳокимияти идоралари тизимини шакллантириш ва фаолиятини демократлаштириш заруратидан келиб чиққан. Адолатнинг муҳим шарти — эркинлик тенглик негизидагина мавжуд бўла олади. Тенглик эса барчани бир хил шароитга қўйдиган ва барчанинг риоя этиши лозим бўлган умумий асосни тақозо этади. Фақат қонунларгина шундай асос бўла олишлари мумкин. Бироқ, қонунлар ҳамиша, яъни амалда давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлганидан бери, бўлганлар-ку?!

Ҳамма гап шундаки, инсон жамиятининг демократиягача бўлган даврида қонунлар бу дунё зўравонларининг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, яъни жамиятни давлат томонидан жиловлаш учун жорий этилганлар.

Демократия бўлса, худди шундай қонунлар воситасида давлат ҳокимияти тизими идораларини (ҳам бўйига, ҳам энига), истисносиз, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини мустаҳкамлаш, уларни, шунингдек, сўзсиз рўёбга чиқаришни таъминлаш мақсадида, жамият томонидан жиловлаб қўйишдан ўзга нарса эмас. Бу, ўз навбатида, ҳамма, «оёғи осмонда бўлган», нарсани ўз ўрнига қўйиш, яъни фуқаролик жамияти томонидан давлатни шакллантириш, давлатни жамият назорати остидагина фаолият кўрсатишини таъминлаш демакдир.

Юксак фуқаролик туйғуларига, ўз қадр-қимматини англаш, ифода этиш, эъзозлаш ва ҳимоя қилишнинг тегишли даражадаги иродаси ва қатъиятига эга бўлмаган фуқароларсиз бунинг уддасидан чиқиш мумкин эмас.

Модомики, жамиятда ўзларининг, — ҳаётий, иқтисодий масалалардан тортиб, маънавият соҳасигача оид, — манфаатларига эга одамлар, ижтимоий, миллий, диний ва ҳоказо, гуруҳлар яшар эканлар, демакки, унда, миллий тотувлик ва ижтимоий барқарорликка эришиш мақсадида, ушбу манфаатлар мувозанатини таъминлашнинг сиёсий мурватларига эҳтиёж туғилади. Мазкур мурватларнинг яккаҳокимлигига ҳам барҳам бериш ва турли-туман ижтимоий манфаатларни уйғунлаштириш — ўзаро мувозанатлаштириш ҳамда тийиб туришларнинг аниқ ҳаракат қилувчи омилларини омихта, пайванду пайвасти қилишга давъат қилинган, демократик жамиятнинг пойдор негизини ташкил этади. Кўппартиялилик ва давлат ҳокимияти барча тармоқлари ҳамда идоралари тизимларининг унинг билан сўзсиз йўғрилганлиги ушбу ҳолни унда мавжудлигининг муҳим шартидир.

Мазкур ҳолнинг нақадар пойдор аҳамиятга молик эканлиги ҳозирги замон демократиясининг тараққий этган мамлакатлари сиёсий тажрибасида ишончли тарзда исботланган. Бунга биз бир қатор мамлакатлар — масалан, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Бельгия, Ҳиндистонга қилган ташрифларимиз давомида шахсан ишонч ҳосил қилдик.

Ўзбекистонга келсак, бизнинг, «ижтимоий бир хиллик»ка эришишнинг хаёлий йўлидан борган шўролар амалиёти меросидан қийинчиликлар ила четлашаётган, жамиятимизда ижтимоий табақалашув жараёни эндигина бошланди, холос.

Бизнинг партиямиз нафақат ўз номи, балки, моҳияти билан ҳам бир бутун халқимизнинг барча ижтимоий муҳим манфаатларининг ифодачисидир ва ўзининг барча интилишларида у жамиятимиз барча ижтимоий қатламларининг қўллаб-қувватлашига умид қилади. Уч миллиондан ортиқ сайловчиларнинг ХДПни муттасил қўллаб келиши — бунинг ёрқин далилидир.

Энди гап, асосан, ҳар бир фуқаро, ижтимоий гуруҳ томонидан ўз манфаатларини тезроқ ва чуқурроқ англашда ҳамда ушбу манфаатларни қондиришнинг ташкилий чораларини кўришда. Давлат ҳокимияти барча миқёс, даража ва тармоқлари тизими орқали бунга ҳиса қўшишга даъват этилган сиёсий партияларнинг рақобатчилик кураши ушбу ташкилий чораларнинг олий шаклидир.

Шу муносабат билан, охиргиси. Демократик жамият ва унга хос давлат бошқарувининг энг юқори, олий моҳияти, бу — ундаги ҳамма нарса ва ҳамма жойда қонун устуворлиги, қонуннинг сўзсиз танҳо ҳукмронлигидир. Шуни унутмаслик керакки, умуминсоний ва миллий ахлоқий меъёрлар мусаффолигининг ижтимоий муҳим асосини ҳам айни ҳаётий қонунлар ташкил этадилар. Қонунлар уларга риоя этилишининг амалий чоралари кўрилганлиги билан қимматлидирлар.

Савол: — Жамият тараққиётида сиёсий партиялар муҳим аҳамиятга эга экан, сиёсий мухолифат масаласини қандай ифодалайсиз?

Жавоб: — Давлат ҳокимиятида мужассамлашган сиёсий партиялар жамиятда қонунларга риоя этилишининг сиёсий кафолати бўлишга даъват этилганлар. Парламент кўпчилиги партияси қонунларнинг қабул қилиниши ва уларга риоя этилиши учун масъулиятни ўз зиммасига олади. Парламент озчилиги партияси эса, ўз-ўзидан, идора этувчи партияни, ҳар бир айби учун, ўзининг ҳокимиятга кейинчалик келишини таъминлаш мақсадида, танқид қилишдан ва, шу боис, уни ўз ваъдасини бажаришдан ҳар бир чекинишини пойлашдан манфаатдор сиёсий куч сифатида фаолият кўрсатади. Қонунларни бажаришдан манфаатдорликнинг йўқлиги шароитида уларни қабул қилиш, бу — ўлик танага дори юборишдан ўзга нарса эмас.

Айни сиёсий партиялар давлатнинг фаолиятини манзили тайин соҳага айлантирадилар, яъни мазкур сиёсат ортида қайси сиёсий партия турганлигини билибгина, сайловчилар бўлажак сайловларда унга нисбатан ўз муносабатларини белгилайдилар. Барча ушбу, биргаликда олинган, омиллар давлатни у, назоратсизлик, танҳо ҳокимлик, ўзбошимчалик ва бетайинлик натижасида, гирифтор бўлиши мумкин бўлган ҳалокатли касаллик хавфидан сақлаб, унинг ҳокимиятички ҳамда умумижтимоий муҳофазаланиш қобилиятини таъминлайди.

Савол: — Бугунги кунда сиёсий партиялар фаоллиги унчалик сезилмаётир, деган фикрларга қандай қарайсиз?

Жавоб: — Бунга ҳеч қандай эътироз билдириш мумкин эмас. Ҳатто, биз бу фикрларни эшитавериб, зада ҳам бўлиб кетдик. Хўш, биз дардимизни кимга айтайлик? Ахир, биз ҳам, бошқалардан кам бўлмаган даражада, жўшқин фаолият оғушида бўлишни хоҳлаймиз-ку. Ҳамма гап шундаки, бунинг бош сабаби — фақат сиёсий партияларнинг ўзигина эмас, балки, улар фаолият кўрсатиши лозим бўлган ижтимоий-сиёсий муҳитда ҳамдир. Авваламбор, демократия сиёсий партиялар учун эмас, балки, сиёсий партиялар демократия учун зарурдирлар: Демакки, сиёсий партиялар, биринчи навбатда, жамият учун кераклар. Жамият буни қанчалик тезроқ англаса, яъни сиёсий партияларсиз — демократиянинг, демократиясиз — адолатнинг, адолатсиз — инсонга муносиб ҳаётнинг бўлиши мумкин эмаслигига иқрор бўлса, шундагина «муз кўчиши» мумкин. Бизда шундай жараён бошланган. Навбат — унинг ривож топишига! Бу ривожни таъминлашда сиёсий партияларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлишининг заруррлиги шубҳасиз.

Савол: — Қандай иборани ХДПнинг мақсад-муддаосини ифодаловчи шиор сифатида айтган бўлардингиз?

Жавоб: — «Халқ учун курашиш, халқ билан бирга бўлиш, халққа хизмат қилиш!»

Бунинг замиридаги маъно ва мазмунни кўрсатишга ҳаракат қиламан. Агар халқ, уни, урф-одатий умумийликдан ижтимоий-сиёсий бирликгача тушунилишигача, ташкил этувчи кўпчилик тимсолида, ўз ҳуқуқ ва эркинларини сон-саноқсиз миқдордаги турли-туман нодавлат ташкилотлар, уюшмалар ва мақбул миқдордаги сиёсий партиялар орқали англаш, ифода этиш ҳамда ҳимоя қилишнинг уддасидан чиқа олмаса, унга ҳеч ким бу ишда ёрдам бера олмайди. Бундай масъулиятни, ҳатто, Парвардигор ҳам ўз зиммасига олган эмас. Халқнинг ўзидан куч олувчи, яъни унинг иродасидан бевосита келиб чиқувчи ҳокимиятгина демократик бўла олиши мумкин. Давлат ҳокимияти ҳамиша кимгадир тааллуқли бўлган, бироқ, халққа у фақат сиёсий партиялар орқалигина тааллуқли бўла олади.

Сиёсий партияларнинг ўзлари ҳам, агар улар халқнинг фаоллиги туфайли ва унинг ёрдамида, демократик сайловлар орқали, давлат ҳокимияти барча даража ва тармоқлари идоралари тизимини шакллантира олмас эканлар, ҳеч ниманинг уддасидан чиқа олмайдилар.

Айтилганларни, шартли равишда, қуйидагича андозавий муқояса қилиш мумкин: жамиятни бир стадион кўринишида тасаввур қилинг. Стадион, бу — жамият ҳаётининг «ўзгинаси» бўлиб, унда ҳамма тоифа ва ёшдаги одамлар, «спортчилар», «ишқибозлар», «томошабинлар» сифатида ўзаро ўрин алмашиб, «мусобақалашадилар». Уларнинг ҳаммаси, ҳар бир ҳолатда барча учун умуммажбурий ўйин қоидалари асосида, бир хил шароитга қўйилганлар. Бу умуммажбурий ўйин қоидалари – **қонунлар** бўлиб, уларнинг доирасида «мусобақалашувчилар» тобеликнинг бошқа ҳар қандай шаклидан озоддирлар. Ҳамма нарса барчанинг кўз ўнгида юз беради. Бу – ўзида ҳам ахлоқийлик, ҳам мустақил оммавий ахборот воситаларини мужассамлаштирган, **ошкоралик,** тиниқлик. Зеро, айтилганидек, халқ овози – Парвардигор овози.

Стадион ҳамиша ёп-ёруғ. У кундузи — Қуёшнинг табиий нури, кечаси — кучли электр ёритқичлари билан ёритилган. Бу беқусур ахлоқийлик, юксак маънавият бўлиб, унда илм-фан ўта муҳим ўрин тутади.

Барча мусобақалар турларининг, ўйин қоидаларининг бош буюртмачиси ва уларнинг иштирокчиси, шунингдек, умумий ўйин қоидаларига, яъни қонунларга риоя этилишининг посбонлигида турган Ҳакам, – давлат ҳокимиятининг юксак олий соҳиби, — Халқнинг ўзи. Бу ерда «қамишдан белбоғ қилиб», хизмат қилувчилар, – яъни халқ иродасини рўёбга чиқарувчилар, — ўйин қоидаларини ишлаб чиқувчилар, мусобақаларнинг ташкилотчилари ва, ижронинг холисона ҳукмини чиқаришдан манфаатдор, ҳакамлар, — жиддий рақобатчилик курашининг соҳиблари — барча даражаларда фаолият кўрсатаётган ягона давлат ҳокимиятининг қонунчилик, ижроия, суд тармоқларида ташкилий-сиёсий мужассамлашган, Сиёсий партиялардир.

Буларнинг ҳаммаси умумхалқ, умуммиллий миқёсларда йўлга қўйилмас экан, ҳаётдаги ўта ножоиз иллатлар билан ҳар қадамда дуч келишга тўғри келаверади...

Наҳотки, бизнинг партиямиз шуларни ҳисобга олиб ва ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, **ўз халқи учун** курашмасин?! Нима, партиямизда ўз халқи билан доимо **бирга бўлиш** зарурати йўқми? Нима, партиямиз учун ўз халқи **манфаатлари йўлида** ҳаракат қилиш энг олий мақсад эмасми?

Нима, ҳаёт мантиқининг ўзи шуларни тақозо этмаётирми? Нима, мустақил Ўзбекистонда масала шу тарзда қўйилмаётирми?

Манфаатларни ошкоралик шароитидаги ҳуқуқий майдонда ҳамма жиҳатлардаги рақобатчилик кураши орқали қондириш! Ўйлаймизки, халқнинг ўз фаровонлигига эришишинг Калити ҳам худди мана шунда бўлса, ажаб эмас.

■ **Суҳбатни Қўчқор НОРҚОБИЛ ёзиб олди**

ХОТИРА СУРАТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Бундан бир йил муқаддам АҚШда содир этилган даҳшатли террорчилик ҳаракати бутун дунё аҳлини ларзага солди. 11 сентябрь куни минглаб бегуноҳ инсонларнинг ҳаётига зомин бўлган бу машъум фожиа бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан қаттиқ қораланди. Дунё аҳли терроризм балосининг нақадар аянчли эканига яна бир бор амин бўлди.

Афсуски, терроризмга қарши курашда эришилган барча муваффақиятлар ўша машъум фожиа туфайли ҳаётдан кўз юмган инсонлар ҳаётини қайтара олмайди. Бундан тўғри хулоса чиқариш, террорчилик оқибатлари ва қурбонларини абадий хотирлашгина келгусида шу каби нохушликларни олдини олишга ёрдам беради.

Шу мақсадда Темурийлар тарихи давлат музейида АҚШдаги 11 сентябрь воқеаларининг бир йиллиги муносабати билан ўша мудҳиш кунни эслатувчи фотосуратларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Америка фуқаролари Турон Аёз ва Лутфулла Тўра Нью-Йорк порти маъмурияти йўллаган мазкур фотосуратларни топширар экан, улар минглаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган терроризм иллатининг мудҳиш қиёфасини кўрсатиши ва ҳар биримизни ўз тинчлигимиз ва фаровонлигимизни асраш йўлида огоҳ бўлишга ундашини таъкидлади.

■ **«Жаҳон» АА.**

«ОЛТИН ҲУМО»НИНГ ИЛК СОҲИБЛАРИ

Юртимизда барча соҳалар каби мусиқа санъати ривожига ҳам қатта эътибор қаратилаётир. Ўтказилаётган турли танлов, кўрик ва фестиваллар бунинг ёрқин исботидир. Жумладан, «Олтин ҳумо» мукофоти ҳам «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси томонидан профессионал эстрада санъатини ривожлантириш, ижодкорларнинг ютуқларини тарғиб этиш ҳамда уларнинг изланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган эди.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Олтин ҳумо» соҳибларига мазкур мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

«Олтин ҳумо» мукофоти учун мамлакатимизнинг кўплаб профессионал эстрада жамоалари, яккахон хонандалар, бастакор ва шоирлар, саҳналаштирувчи режиссёрлар, аранжировка усталари, овоз ёзиш режиссёрлари, эстрада соҳасида ижод қилаётган рассом-модельерлар даъвогарлик қилди.

«Олтин ҳумо»нинг илк соҳиблари эса хонандалар Юлдуз Усмонова, Гуломжон Ёқубов, Озода Нурсаидова, марҳум шоир Муҳаммад Юсуф, бастакор Султонали Раҳматов, либос устаси Комила Ёқубова, режиссёрлар Валижон Содиқов, Алишер Эшонхўжаев ва «Ялла» ансамбли бўлди.

Мукофотларни топшириш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

■ **Назокат Усмонова, ЎзА мухбири**

МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТГА

Шаҳрихонда барпо этилган «Хонтекс» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонаси ўз маҳсулотининг 80 фоизини экспортга чиқаришни режалаштираётир. Қўшма корхона пахта толасидан йилига 2215 тонна юксак сифатли ип-калава ишлаб чиқаради.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини Швейцариянинг «Риттер» фирмаси ускуналари ва юксак малакали корхона мутахассислари таъминлайди, — деди қўшма корхона директори Бахтиёр Орипов **«Туркистон-пресс»** мухбирига. – «Хонтекс»нинг Ўзбекистон томонидан муассислари Шаҳрихон тикув-трикотаж фабрикаси, «Саховат-савдо уйи» компанияси ва «Шаҳрихон автонефтсервис» ҳисобланади. Туркия томонидан эса «Хайтекстил» 99 минг долларлик Низом жамғармасини шакллантиришда муассисларнинг улуши 49 ва 51 фоизни ташкил этади.

Б.Ориповнинг айтишича, келгусида корхонада тўқиш ва тикиш цехларини йўлга қўйиш, бўёқ цехини қуриш, барча технологик линияларни замонавий дастгоҳлар билан таъминлаш мўлжалланмоқда.

ИСТИҚБОЛЛИ ТАБИИЙ ГАЗ КОНДЕНСАТИ КОНИ

«Нефть, газ ва конденсат заҳиралари ўз талабларимизни тўла таъминлабгина қолмай, энергия манбаларини четга чиқариш имконини ҳам беради,** — деган эди Президентимиз ҳали 1996 йилдаёқ Хьюстон шаҳрида, америкалик сармоядорлар билан бўлган учрашувда. — **Бугун бу сармоя сарфлашнинг энг фойдали соҳаларидан биридир.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистон ер остида жуда катта нефть ва газ қатламлари бор. Республика ҳудудининг салкам 60 фоизи уларни қазиб олиш учун истиқболли ҳудудлар ҳисобланади».

Республикамизнинг чекка ҳудудларидан бири — Мўйноқ шаҳарчаси яқинидаги Учсой қишлоғи атрофида топилган газ кони — ана шундай истиқболли катта ер ости табиий бойликларидан бири. Шу кунларда бу ерда газ қазиб олиш бўйича мўлжалланган ишлаб чиқариш қувватлари қурилиши жадал кетмоқда. Замонавий технология линиялари, қудратли қазиб чиқариш мажмуалари пешма-пеш тикланаяпти. Мазкур заҳира ишга тушгач, шубҳасиз, мамлакатимиз эришган газ мустақиллиги ва унинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларидаги олис аҳоли манзилгоҳлари ва ишлаб чиқариш қувватларини табиий газ билан таъминлашга хизмат қилади.



Суратларда: тикланаётган газ конденсати қазиб чиқариш мажмуасидан бир кўриниш; қурилиш участкаси фидойилари — участка бошлиғи Бахтигали Зокиров ва ишчилардан Султон Тенгизбоев, Жумақул Рисбоевлар навбатдаги иш сменаси олдидан; участканинг моҳир устаси Жанаберган Жумагамбетов ишчи Қодирбой Нурумбетов билан.

■ **Омонбой МУРАТОВ (ЎзА) олган суратлар**

ФАРҒОНАДА ШЕЪРИЯТ КУНЛАРИ

Гўзал Фарғона олтин кузнинг завқ-шавқига ғарқ. Боғлар болга тўлган. Далаларда мўл-кўл пахта. Йил бўйи пешона тери эвазига етиштирилган ҳосил йиғиб олинмоқда. Айни шундай фарахбахш кунларда вилоят ҳокимининг ташаббуси билан «Шеърият кунлари» байрами ўтказилди. Зеро, шеър ва меҳнат ҳамиша эгизак. Фарғоналиклар эса шеърнинг чинакам мухлислари эканлиги аён. Икки кун давомида вилоят меҳнат жамоалари, корхоналар, ўқув юртлари, далаларда шеърлар янгради. Одамлар шеърлар муаллифлари билан кўришиш, суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлдилар. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов бошчилигида Тошкенти азимдан ташриф буюрган адабиёт ва шеърият дарғаларидан Иброҳим Юсупов, Омон Матжон, Жуманиёз Жабборов, Азим Суюн, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Сирожиддин Саййид ва бошқа ўнлаб шоиру носирларни фарғоналиклар қувонч билан кутиб олдилар. Шунингдек, сирдарёлик Тўра Сулаймон, Хоразмдан Матназар Абдулҳаким, Бухородан Тошпўлат Аҳмад каби шоирлар ҳам юртимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлар ҳақида сўзладилар.

Шоирлар Қўқондаги машҳур Шайхон қабристонида бўлиб, Муқимий, Завқий, Ҳусайн Шамс, Пўлатжон Қаюмов каби шоирлар қабрларини зиёрат қилдилар. Амир Умархон ва шоира Нодиралар номлари ёдланиб, руҳлари шод этилди. Шеърият кунларида фарғоналик таниқли ижодкорлар, ёш шоир ва адиблар меҳмонларга ҳамроҳлик қилдилар. Қўқон педагогика институти, Фарғона давлат университети, қатор ўқув юртлари, саноат корхоналаридаги мушоиралар айниқса, файзли ўтди. Қўқон шаҳридаги Фурқат номли хиёбонда, Олтиариқ тумани марказида ўтган учрашувлар яхши таассурот қолдирди. Абдулла Орипов етакчилигидаги бир гуруҳ шоирлар Учкўприк тумани пахта далаларида бўлишди.

Шеърият кунлари доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг кенгайтирилган фаоллар йиғилиши ўтказилди.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧЛАРИ

«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» — САҲРО САҲНИДА АФСОНАВИЙ КОРХОНА

Маликчўл, Қарнабчўл, Ўртачўл даштлариаро қад кўтарган Навоийдаги 17 та йирик саноат корхоналаридан бири —«Қизилқумцемент» фаолият бошлаганига 20 сентябрь куни 25 йил тўлади. У ўз салоҳияти билан вилоятдаги Тоғ-кон металлургия комбинати ва Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасидан кейинги учинчи ўринда туради. Корхонада 50 миллат ва элатга мансуб 2300 нафар киши меҳнат қилмоқда.

Корхона раҳбари Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» унвони билн тақдирланди.

Заводнинг ташкилий-таркибий даври собиқ иттифоқ «урра-урра» чилигининг етмишинчи йилларига тўғри келади. Ана шу йилларда корхонанинг смета ва лойиҳа ҳужжатлари тайёрланган бўлса, 1977 йил кузига келиб, завод илк бор маҳсулот бера бошлади. Ўшанда корхона атиги бир линияли тизимда ишлаб, ҳар куни ўртача 800-1000 тонна атрофида «қуруқ» усулда цемент ишлаб чиқарарди. 1978 йил ўрталарига келиб, икки тизимли ишлаб чиқариш қувватига ўтилди. Натижада, ҳар 24 соатда 2-2,5 минг тонна цемент тайёрланадиган бўлди. Талаб эса катта эди. Зеро, биргина Навоий, Учқудуқ, Зарафшон шаҳарлари қурилиши эмас, балки қўшни Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари қурилишлари ҳам шу завод цементига қараб қолганди.

Шу ўринда савол туғилади: нега энди, корхона қақроқ чўлда, саҳрода қурилди?

Ҳа, ҳамма гап шунда! Мазкур чўл ҳудуди харсангтош, оҳактош, тупроқли сланед, «Туффит» сингари конларга тўла. Корхонадан бор-йўғи 7-10 километр узоқликда бўлган бу хомашё конларининг мавжудлиги ва заҳираси бойлиги заводнинг йил сайин кенгайиб боришига сабаб бўлди. Чунки, цементбоп клинкерни ёхуд темир қипиғини ёппасига Россия, Украина, Қозоғистондан келтириб бўлмасди. Ана шу заводолди конлари сабаб корхона тасарруфида «Тоғ-кон» саноат ишлаб чиқариш бўлинмаси вужудга келди. 5,5 километр узунликда ҳаракатланувчи тасма-лентали тош узатгич транспортёри қурилди. Транспортёр орқали муайян тарзда майдаланган тош корхона омборларига келиб туша бошлади. Хомашё ишлаб чиқариш бўлими ёпиқ усулда ишлайдиган 8 та тош майдалаш ва ярим маҳсулот ишлаб чиқарувчи тегирмонлар билан таъминланди. Тегирмонлар ярим тайёр клинкерни 3 та махсус қуйдириш печларига узатди. Хомашёни табиий газ ёрдамида 1400 даражали иссиқликда қуйдира оладиган бу автоматик айланма печлар бамисли заводнинг қон-томиридир. Ҳар бир печнинг бир кеча-кундузлик ишлаб чиқариш қуввати 3 минг тонна. Завод кунига ўртача 7-7,5 минг тоннадан ошириб, сифатли цемент тайёрлаш даражасига чиқди.



Етмишинчи йилларда атиги 2 та, саксонинчи йилларда 3 та айланма печга эга бўлган завод тўқсонинчи йилларда парокандаликка юз тутди. Асбобускуналар, аниқроғи, ишлаб чиқариш технологиясининг эскирганлиги ва яроқсиз ҳолга келганлиги корхона фаолиятида қатор узилишларга олиб келди. Айниқса, 1400 даражагача иссиқликка чидамли пишиқ ғишт ишлаб чиқариш муаммоси корхона иқтисодиётини издан чиқарди. Кадрлар қўнимсизлиги юз берди, раҳбарлар ўзгарди...

Аввал Фарғона политехника институтининг мухандислик, кейин Тошкент Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетларида таҳсил олган ёш, иқтидорли мутахассис Ражап Жуманиёзов ишни заводда етук мутахассислар тизимини шакллантириш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиб беришдан бошлади. Ойлик маошлари нари борса 12-14 минг сўмдан ошмаётган электрик, пайвандчи, дастгоҳсозлар турмуш тарзи билан қизиқди. Уларнинг кунлик ишига, қобилиятига яраша мухсус иш ўринлари яратиб берилди. Натижада, «ишдан кетаман», «маошим кам» дейдиганлар сони кескин камайди. Бугунги кунда заводда ишлаётганларнинг ўртача ойлиги 50-55 минг сўмга етди. Мутахассис-муҳандислар ҳатто 75-80 минг сўмга яқин иш ҳақи олишаяпти.

Эътиборли томони шундаки, илгари Навоий шаҳри гўё тутун орасида эди. «Электрокимё», Навоий ГРЭСи каби «Қизилқумцемент» ҳам атроф-муҳитга кўплаб чанг-ғуборлар, ҳар хил чиқитлар чиқарарди. Эскириб қолган ҳаво тозалагичлар, чанг ушлаш фильтрлари талабга жавоб бермасди. Корхона мутахассислари Россиянинг Ярославл шаҳридан шартнома асосида «енгчали фильтрлар» ва электрофильтрлар учун кўплаб эҳтиёт қисмлар олиб келишди. Мавжуд чанг тозалаш ускуналарини қайта созлаш ҳамда таъмирлаш учун 15 кишилик махсус бригада ташкил этишди. Лентали конвейерлар ва хомашё сақланадиган омборларга юқори босимли сув насослари ўрнатилди. Темир йўл ва транспортёр цехларида цементни юклаш воситалари такомиллашди. Завод айланма печларидаги ўтга чидамли пишиқ ғиштларнинг хориждан келтирилиши, айниқса, 6 ойдан 8 ойгача чидамга эга бўлган Словакия қора ғиштлари иш унумини оширди. Германиянинг «Хаверс», «Мюдерс» фирмаларидан олинган замонавий технология ишлаб чиқарилаётган цементни қадоқлаш ва махсус қопларга қоплаш имконини берди.

Кейинги икки йилда хорижий давлатга цемент экспорт қилиш режаси 105-107 фоиздан уддаланди. Биргина шу йилнинг ўтган 8,5 ойида чет элларга бултургига нисбатан 25 минг тонна цемент кўп экспорт қилинди. Лондон, Пекин, Бонн, Токио, Вашингтон биржаларида Навоий цементи нуфузигануфуз қўшилди. Европадаги Халқаро саралаш-стандартлаш қўмитаси XVII халқаро конвенциясининг обрўли компания ва экспертлари қарори билан «Сифатли маҳсулот халқаро кубоги» соврини билан тақдирланди. Бу фахрий олтин соврин 2000 йил 20 ноябрда Испаниянинг Мадрид шаҳридаги жаҳон ишбилармонлари йиғинида топширилди. 2001 йилнинг ноябрь ойида ҳам яна бир халқаро олтин кубокка муяссар топилди. Бу олий мукофот Хитойнинг Пекин шаҳрида бўлиб ўтган йирик анжуманда корхона раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси мадҳияси янграган, байроғи баланд кўтарилган тантанали, шукухли бир вазиятда топширилди.

Шубҳасиз, қўлга киритилган бу муваффақиятларда корхонанинг Эгамқул Рузанов, Баҳриддин Назаров, Алифтена Собанова, Усмон Жабборов, Олим Ражабов, Шароф Рашидов, Ўролбой Нуруллаев, Очил Нурназаров каби малакали мутахассислари ва ишчан муҳандисларининг муносиб хизматлари бор.

Корхона жамоаси чорак асрлик юбилейларига аъло сифатли цементнинг 1 миллион тонналик маррасини забт этган, 10 ойлик ишлаб чиқариш режаларини ошириб бажарган ҳолда келишди ва маҳсулотларнинг 30 фоизи чет эллик ҳамкорларга жўнатилди.

...Бугун «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятида янги-янги цехлар, кичик корхоналар очилмоқда. Техникавий ва технологик ўзгаришлар тобора ривож топаяпти. Яқинда бу ерда Белоруссиядан 3 та ҳар бири 40 тонналик «БелАЗ» русумли оғир юк ва Украинадан замонавий ўт ўчириш машиналари сотиб олинди. Янги «Туффит» кони ишга туширилди. Жиззах, Бухоро, Қашқадарё вилоятларидан цементбоп ноёб хомашёлар ташиб келтириш қўлами кенгайди. Янги бинолар қатори янги тарози майдончалари ҳам ишга туширилди. Эрта-индин корхонада байрам муносабати билан ижтимоий ҳимояга муҳтож 60 оиланинг фарзандлари хатна тўйи қилинади. Ишчи-хизматчиларга ош тортилиб, совға-саломлар улашилади. «Сўғдиёна» ўйингоҳидаги кечки дастурда мамлакатимиз пойтахтидан келган таниқли санъаткорлар юбилей иштирокчиларига қувонч ва шодлик улашади.

Чорак асрлик қутлуғ йўлинг муборак бўлсин, «Қизилқумцемент!»

■ **Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

МАМЛАКАТИМИЗ ЖАНУБИДА... МУЗ ТОҒИ

Она-заминимиз ўзининг табиати, ҳайвонот дунёси билан бир-биридан тубдан фарқ қилувчи етти иқлимдан иборат. Сурхон воҳаси ана шу мўъжизаларнинг барчасини ўзида жо айлаган жаннатмакон бир диёр. Вилоят ҳудудини бешта дарё кесиб ўтади. Дегрез, Фарҳод ва Сурхон сув ҳавзалари денгиздек мавжланади. Цитрус мевали боғ-роғлар киши ҳавасини келтиради. 40-45 даража иссиқликдаги бепоён чўллар ҳам шу маконда. Айниқса, гўшанинг иқлими ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Қишда илиқ, ёзда жазирама офтоб экин-тикин, сабзавот ва меваларнинг тотли ҳамда ширин бўлишига асосий омил. Баҳор ҳам жанубдан бошланади. Аммо, ана шу иссиқ воҳада абадий музликлар макони ҳам борлигини кўпчилик билмаса керак.

— Денгиз сатҳидан 1650-1700 метр баландликда жойлашган Ҳисор тоғ тизмаларининг Фарҳод, Қиршивор, Хўжапиряк ва бошқа тоғлари ана шундай музликлар салтанатидан иборат, — дейди табиатшунос Тоҳир Айматов. — Бурноғи йили шу тоғларда бўлдик. Водий ва қир-адирлар кўм-кўк. Лолақизғалдоқлар лов-лов товланади. Юқори кўтарилганимиз сайин ҳаво совий бошлади. Чўққига чиқдик. Кўз ўнгимиздаги дарз кетган улкан муз тоғи — нақ 2-3 қаватли бинодек келади.

Баҳор, ёз ва кузнинг қуёши ҳам музликларга ўз тафтини ўтказа олмайди. Бу — бир томони Тожикистон Республикаси бир ёни Қашқадарё вилояти билан мингашиб кетган азим Ҳисор тоғ тизмаларининг ўзига хос мўъжизаси.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жумладан, Юртбошимиз бу соҳадаги имкониятларни «ягона локомотивга бирлаштириш» таклифи билан чиқиб, Қўнғирот-Бейнов-Оқтов автомобиль йўлининг қурилиши хусусида алоҳида тўхталди. Иншоот икки қардош халқларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишини, энг муҳими, томонларнинг экспорт-импорт имкониятларини кенгайтиришини таъкидлади. Таклиф Қозоғистон томонидан яқдил қўллаб-қувватланганди.

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш, Орол денгизи ва бошқа табиий ресурслар билан боғлиқ экологик муаммоларнинг олдини олиш ташаббуси ҳам дастлаб Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилганини жамоатчилик яхши билади. Йўлбошчимиз ана шу масалаларга бағишланган галдаги анжуманни Семипалатинск шаҳрида ўтказиш мақсадга мувофиқ деган таклифни ҳам киритди. Бунинг рамзий боиси шундаки, истибдод йиллари ўтказилган ядровий синовлар айни шу ерда содир этилганди.

Учрашувда икки мамлакат давлат чегараларининг делимитацияси ниҳоясига етказиш тўғрисидаги музокаралар Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатларидаги долзарб масалаларнинг ечими бўлди. Эсингизда бўлса, бундан роппа-роса ўн ой муқаддам давлат чегараларини делимитация қилиш бўйича ўзаро келишиб олинганди. Бу давр ичида мазкур масалага оид қатор ишлар олиб борилди. Узунлиги 2440 километрга чўзилган Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари чегараларининг айрим участкалари тўғрисидаги мавжуд муаммолар бу гал тўла ечимини топди. Бироқ, бу — икки қўшни давлатлар ўртасига тўр сим тортилди, дегани эмас. Мутлақо, ундай эмас! Аксинча, ўзаро ишонч, дўстлик, қардошлик, ҳурмат ва эҳтиром учун мустаҳкам замин, бу. Зеро, бунгача, баъзи тилига кучи етмаганлар, бу икки мамлакат давлат чегаралари делимитацияси юзасидан ҳеч қачон бир тўхтамга келолмайдилар деб, оғиз кўпиртиргандилар. Ҳатто шу галги учрашув арафасида ҳам Москва телевидениеси орқали россиялик бир сиёсатдон Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат чегараси делимитациясида Россиянинг аралашувисиз бир битимга келишолмайди, деб жар солди.

БУЮК МАҚСАДЛАР, КЎЗЛАНГАН ИШЛАР

лимитация қилиш бўйича ўзаро келишиб олинганди. Бу давр ичида мазкур масалага оид қатор ишлар олиб борилди. Узунлиги 2440 километрга чўзилган Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари чегараларининг айрим участкалари тўғрисидаги мавжуд муаммолар бу гал тўла ечимини топди. Бироқ, бу — икки қўшни давлатлар ўртасига тўр сим тортилди, дегани эмас. Мутлақо, ундай эмас! Аксинча, ўзаро ишонч, дўстлик, қардошлик, ҳурмат ва эҳтиром учун мустаҳкам

Кўриб турибсиз, уларнинг «башорати» юзага чиқмади. «Маслаҳатли тўй тарқамас» деганларидек, азалий қондош халқлар чегара делимитациясини ўзлари ҳал қилишди, буюк мақсадлар кўзланган жараённи ўзлари ниҳоясига етказишди. Айни шу келишув иккала мамлакат ўртасидаги 1998 йилнинг 31 октябрида имзоланган Абадий дўстлик шартномасининг бажарилиши ҳақидаги Қўшма декларациянинг қабул қилиниши арафасида рўй бергани ҳам ўзига хос рамзий маънога эга.

Ўтган ҳафтанинг иккинчи бир муҳим воқеаси, бу — Тошкентда навбатдаги катта теннис байрами бошлангани бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун Халқаро турнирнинг нуфузи йил сайин ошиб бормоқда. Тошкент дунёнинг теннис шаҳарлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Бу ерда ўтказилган турнирларга кетма-кет уч бора «Ай-Ти-Пи»нинг «Юксак нуфузи учун» мукофоти топширилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Дарвоқе, мамлакатимиз раҳбари турнирнинг барча иштирокчиларини муборакбод этаётиб, фахр билан таъкидлаганидек, мазкур турнир қисқа вақт ичида катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. У сайёрамизнинг турли мамлакатларидаги минглаб спортчиларга Тошкент билан танишиш, айтиш мумкинки, унга меҳр қўйиш имконини берди.

Дунё теннисининг Евгений Кафельников, Владимир Волчков, Марат Сафин, Марк Россе, Томми Ҳаас, Дэвид Сангунетти, Кеннет Карлсон, Райнер Шуттлер, Парадорн Сричапан каби юлдузлари иштирок этган мазкур турнир кескин баҳслари, кутилмаган натижалари, ўта ҳаяжонли дақиқалари, энг муҳими самимияти билан хотирамизда қолади.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

СЕССИЯ БОШЛАНДИ

Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг 57-сессияси ўз ишини бошлади.

Бош Ассамблеянинг янги раиси Ян Каван сессияни очар экан, 2001 йил 11 сентябрь фожиаси терроризм ва экстремизм каби хатарларга қарши қатъий курашда халқаро ҳамжамиятни бирлаштирганига алоҳида эътиборни қаратди.

Сессия ўз ишини ўша машъум террористик хуружлар натижасида қурбон бўлганлар хотирасини ёд этиб, бир дақиқа сукут сақлашдан бошлади. 11 сентябрь куни фожиа қурбонлари хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилиши муносабати билан сиёсий мунозаралар 12 сентябрда бошланди. Сессия ишида БМТга аъзо жами давлатлар вакиллари — давлат ва ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари иштирок этадилар.

Бош Ассамблея 57-сессиясининг биринчи иш куни шу пайтгача БМТда кузатувчи мақомига эга бўлган Швейцария Конфедерациясининг ушбу ташкилотга қабул қилиниши билан бошланди. Шундай қилиб, Швейцария умумжаҳон ташкилотнинг 190-аъзоси бўлди.

■ **«Жаҳон» АА**

ИСРОИЛ ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ҲУЖУМИ

Исроил ҳарбийлари Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Женин шаҳрига кириб келишди. Исроил танклари ва бронетехникалари шимолий ва ғарбий томондан кириб келишди. Фаластиннинг WAFA ахборот агентлиги хабарига кўра, пулемётлардан тўхтовсиз ўқ узилган. Бундан бир неча соат аввал Исроил вакиллари шаҳардаги комендантлик соати бекор қилинганлигини хабар қилишганди. Шаҳарга кириб келган Исроил аскарлари эса овоз кучайтиргичлар ёрдамида комендантлик соати яна тикланганлигини маълум қилишди.

ҚАРШИЛИК ҚИЛМАСЛИККА ДАЪВАТ ЭТДИ

Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири якшанба куни баёнот бериб, унинг мамлакати БМТ рухсати билан Ироққа бериладиган зарбаларни амалга ошириш учун ўз базаларини тақдим этишга тайёр, деди. Шаҳзода Сауд Ал-Файзал эса ушбу баёнотни шарҳлаб, унинг мамлакати ҳамон Саддам Ҳусайнга қарши ҳарбий куч ишлатилишига рози эмаслигини ҳамда АҚШ томонининг бир томонлама ҳаракатларига қўшилмаслигини айтди. Саудия Арабистони бошқа Араб мамлакатлари фикрига қўшилиб, АҚШни Ироққа ҳужум қилмасликка чақираётир. Зеро, уруш минтақадаги аҳволга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Якшанба куни Сауд Ал-Файзал Ироқни БМТ инспекторларини мамлакатга тезроқ киритиш ва бу билан ҳарбий операциялар бошланишига йўл қўймасликка чақирди. «Биз Ироқ ҳукмрон доиралари БМТ текширувчиларини мамлакатга киритмай, ўз халқига жиддий зарар етказиши мумкинлиги ва шундай ҳам оғир аҳволни мураккаблаштириб юборишини эслатамиз, — деди у. — Биз Ироқнинг бутунлиги, барқарорлиги ва мустақиллиги ҳақида жиддий хавотирдамиз».

УКРАИНА ЭЛЧИСИГА ҲУЖУМ

Украина Республикасининг Жанубий Африка Республикасидаги элчиси Игорь Турянскийга элчихонанинг ҳовлисида қуролли ҳужум уюштирилди. Тўппончалар билан қуролланган икки безори элчига ўз қароргоҳи ҳовлисида ҳужум қилишди ва пул ҳамда машина калитини талаб этишди. Муштлашув бошланди. Охирқибатда элчи бошидан ярадор бўлди ва қўли жароҳатланди. Маҳаллий полиция воқеа юзасидан терговни бошлаб юборди. Жиноятчилар қидирилмоқда. Бу Жанубий Африка Республикасида МДҲ мамлакатларидан келган дипломатларга қилинаётган биринчи ҳужум эмас. Шу йилнинг ўзида Россия элчихонасининг уч ходими уйларидаги нарсалар ўғирлаб кетилди. Ҳали бу жиноятларнинг бирортаси ҳам очилгани йўқ.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ЁШЛАРИ

ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Ўтган якшанба куни Афғонистон полицияси Кобулда амалга оширилиши мумкин бўлган йирик террорчилик ҳаракатига йўл қўймади. Кобул телевидениеси хабарларига кўра, шаҳарнинг жанубий томонидан кириб келаётган бензин ташийдиган машина тўхтатилган. Унинг ичида эса портлатгич модда яшириб қўйилган экан. Ушбу воқеа юзасидан бир нечта шубҳали шахслар қўлга олинди. Юк машинаси ҳайдовчиси эса, озодликка қўйиб юборилди. Зеро, у машинага портловчи модда беркитилганини билмас экан.

ЧАП МАРКАЗЧИЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Македония Бош вазири Любчо Георгиевский душанба куни биринчи умумий сайловларда мағлубиятга учради. Сайловда чап марказчи мухолифлар ғалаба қозонишди. Георгиевский ғолиб чиққан социал-демократларни ва собиқ бош вазир Бранко Крвенковскийни ғалаба билан табриклади ва бундан буён этник тўқнашувларга барҳам берилади, деб умид билдирди.

«ЖАҲОН» АНДИЖОНЛИКЛАРНИ ИНТЕРНЕТ БИЛАН БОҒЛАЙДИ

Андижон шаҳрида «Жаҳон» ахборот маркази ташкил этилди. У вилоятда компьютерлаштириш ҳамда информацион-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида фаолият олиб бориб, ушбу йўналишни янги сифат босқичига олиб чиқиш учун хизмат қилади.

Ахборот марказида ахборот олиш, сақлаш, узатиш билан боғлиқ бўлган барча хизматлар бажарилади. Бу ердаги Интернет-кафе компьютерлари орқали мижозлар зарур ахборотни қидириб топиш ёки ўз хабарини дунёнинг хоҳлаган жойига саноқли дақиқаларда юборишлари мумкин.

Талаба ёшлар, мактаб ўқувчилари Интернет-кафе хизматидан фойдаланяптилар.

— Интернет-кафемиз 24 соат мобайнида ишлашини режалаштирганмиз, — дейди «Жаҳон» ахборот марказининг техник директори Садриддин Ҳамдамов. — Хоҳловчилар учун турли видеоконференциялар уюштирамиз. Бунинг учун марказимизга ташриф буюриш шарт эмас. Биз ўзимиз буюртмачи ташкилотда шундай анжуманлар ташкил этамиз.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ПРОСПЕКТ ЭМИССИИ АКЦИЙ

открытое акционерное общество

«BESH YOGOCH UNIVERSAL BOZORI»

1. Основные сведения об эмитенте

Полное наименование эмитента: Открытое акционерное общество «BESH YOGOCH UNIVERSAL BOZORI».

Сокращенное наименование эмитента: ОАО «BESH YOGOCH UNIVERSAL BOZORI».

Отрасль: Организация рыночной торговли.

Головная организация: Ассоциация «Тошбозортайёрловсавдо».

Название обслуживающего банка и его местонахождение: Мехнатское отд. ЖСБ, г. Ташкент.

Расчетный счет в банке и МФО: 20208000600112074001, МФО 00423.

II. Сведения об уставном фонде (капитале) эмитента:

а) размер объявленного уставного капитала, сум: 5200000 сум (пять миллионов двести тысяч сум).

III. Сведения предстоящем выпуске ценных бумаг.

Общие данные о ценных бумагах:

а) общий объем выпуска (по номинальной стоимости), в сум: 5200000 сум (пять миллионов двести тысяч сум).

б) выпускаемые ценные бумаги (количество, вид): акции из них:

простые именные количество: 52000 штук.

в) общее количество выпускаемых ценных бумаг, шт.: 52000 шт.

г) номинал одной ценной бумаги, сум: 100 сум.

д) ограничения на потенциальных покупателей ценных бумаг:

По проспекту эмисии	Доля Хокимията г.Ташкента		Доля трудового коллектива		Доля свободной продажи	
По предыдущему и дополнительному выпускам	%	Кол.	%	Кол.	%	Кол.
	51	26520	19	9880	30	15600
Из которых не размещено	Доля Хокимията г. Ташкента		Доля трудового коллектива		Доля свободной продажи	
	%	Кол.	%	Кол.	%	Кол.
	—	—	7,33	3814	22,61	11758

Местонахождение и банковские реквизиты:

Почтовый адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент — 700003, Чиланзарский р-н, ул. Туроб Тулы, 71. Тел: 45-37-57.

КАФЕЛЬНИКОВ СЎЗИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИ

Мусобақа аввалида кўпчилик бош совринга россиялик Евгений Кафельников асосий даъвогарлардан эканлигини эътироф этганди. Аммо, турнирнинг иккинчи финалчиси ким бўлишини ҳеч ким башорат қилиб бера олмади. Чунки, Марат Сафин, Томми Ҳаас, Марк Россе, Давид Сангуинетти сингари теннисчиларнинг ҳар бири финалчи бўлишга муносиб эди.

Аммо финалда Сидней олимпиадаси чемпиони Евгений Кафельниковга қарши кўпчиликка яхши таниш бўлмаган Владимир Волчков(Белоруссия)нинг майдонга тушиши кутилмаган воқеа бўлди.

Ушбу турниргача Володя АТП таснифида 150-ўринни эгаллаб турганди. Тошкентда унинг омади келди. У финалгача Олег Огородов(Ўзбекистон, 6/2, 6/2), Михаил Южний (Россия, 6/1, 6/3), Томми Ҳаас(Германия, 7/6(5), 6/4), Давид Сангуинетти(Италия, 6/3, 6/2)лар устидан ғалаба қозонди. Владимир Волчковнинг Тошкентда эришган ғалабалари уни кучли юзликка яқинлаштирди.

— Очиғи, рақибим Евгений Кафельниковга ҳавасим келди, — дейди Владимир. — У турнир бошида «Президент кубоги»ни қўлга киритаман, деб сўз берганди. Женя сўзининг уддасидан чиқди. Йигит киши шундай: бир сўзли бўлади. Ўзимга келсак, бундан икки йил муқаддам ҳам «Президент Кубоги» халқаро турнирида қатнашгандим, Бу турнирнинг дунёдаги нуфузли мусобақалар қаторида бекорга тилга олинмаётганлигига бугун гувоҳ бўлиб турибман. Мен Тошкентга яна албатта келаман.



«Президент Кубоги — 2002»нинг жуфтлик баҳслари ҳам қизиқарли кечди. Финалда Жанубий африкаликлар жуфтлиги Давид Адамс/Робби Коэнглар Раэмонд Слютер/Мартин Веркерк (Нидерландия)лар билан ўзаро куч синашдилар. Голиблик африкаликларга насиб этди — 6/2, 7/5.

✧✧✧

Суратларда: турнир ғолиби Е.Кафельников, финалчиси В.Волчков; ярим финалчиси П.Сричапхан.

■ **Муҳаммад АМИН (ЎзА) ва Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

ФУТБОЛ

ЎСМИРЛАРИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА

Шу кунларда Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида ўсмирлар ўртасида Осиё ўнинчи чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда ўн икки давлатнинг ўн етти ёшдан кичик футболчиларидан ташкил топган терма жамоалари иштирок этишмоқда.

Қатнашчилар тўрттадан уч гуруҳга бўлинишган. «С» гуруҳида тўп сураётган Ўзбекистон ўсмирлар илк учрашувни японияликлар тенгқурлари билан ўтказиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишганди. Сўнгра, улар сурияликлар билан дуранг (1:1) натижа қайд этиб, қатарлик футболчиларни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Бугун ўз гуруҳларида биринчи ўринни қўлга киритган ёш футболчиларимиз чорак финалда мезбонлар — БАА ўсмирлар терма жамоасига қарши майдонга чиқишади. Мусобақа 22 сентябргача давом этади. Чемпионат ғолиби, финалчи ҳамда учинчи ўрин соҳиблари келгуси йили Хельсинки(Финляндия)да ўсмирлар ўртасида ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритадилар.

«НАВБАҲОР» — «ҚИЗИЛҚУМ» — 4:0

Ўтган шанба ва якшанба кунлари мамлакатимизнинг саккиз шаҳрида олий лига футбол жамоалари 22-тур учрашувларини ўтказишди.

Турнинг кутилмаган натижалари Наманган ва Муборак шаҳарларида қайд этилди. Бу йилги мавсумда ўз мухлисларини қувонтираётган Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоаси «Навбаҳор» меҳмони бўлди. Наманганликлар чемпионатнинг кумуш медалларига асосий даъвогар саналаётган меҳмонларни қийин вазиятга солиб қўйишди. Ушбу учрашув 4:0 ҳисобида «Навбаҳор»нинг ғалабаси билан якунланди. Бу эса «Қизилқум»нинг асосий таъқибчиси бўлган «Нефтчи» футболчиларига қўл келди. Фарғоналиклар Муборакда мавсум аутсайдери «Машъал»га қарши ҳужумкор ўйин намойиш этиб, мезбонлар дарвозасига жавобсиз беш тўп киритишди. «Нефтчи»нинг сафардаги ушбу йирик ғалабаси зарафшонликларни учинчи поғонага тушириб юборди.

Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан якунланди: «Трактор» — «Сурхон» —1:0, «Самарқанд-Д» — «Дўстлик» —1:0, «Бухоро» — «Насаф» —3:2, «Суғдиёна» — «Қўқон-1912» — 1:0, «Андижон» — «Металлург» —2:1, «Пахтакор» — «Зарафшон» — 4:2.

Навбатдаги тур ўйинлари 21 сентябрь куни ўтказилади.

■ **Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири**

14th Asian Games BUSAN 2002

Мамлакатимизда энг оммавий спорт ўйинлари ҳисобланган «Универсиада», «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» Республика мусобақалари машъаласини Паркентдаги «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида табиий қуёш нуридан ёндириб олиш анъанага айланган. Маълумки, шу йил 29 сентябрь — 14 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида XIV Осиё ўйинлари бўлиб ўтади.

Қитъа олимпиадаси саналган мазкур ўйинларнинг очилиш маросимида ёндириладиган машъала олови ҳам айнан Паркентда ёқилди. Куни кеча «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш институтида XIV Осиё ўйинлари машъаласи оловини ёқишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси вакиллари, мутахассислар, таниқли спортчилар ва кореялик меҳмонлар қатнашишди.

Республика Миллий олимпия қўмитаси президенти Собиржон Рўзиев табиий қуёш нуридан ёндирилган машъалани Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чанг Хван Кимга топширди. 29 сентябрда Пусан шаҳрида бошланадиган навбатдаги Осиё ўйинлари машъаласи ана шу оловдан ёндирилади.

✧✧✧

Суратларда: машъалани ёқиш тантаналаридан лавҳалар.

■ **А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 871

uzb.ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.15
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 йил 13 сентябрь куни ўтказилган кимошди савдоларида Юнусобод тумани, Ҳасанбой мавзеси, Т. Зоҳидов кўчасида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган 0.03 га тенг бўлган 1 та ер участкаси 600 000 сўмга, 1 та автотранспорт воситаси 1 450 000 сўмга, **9,11,13 сентябрь** кунлари ўтказилган биржа савдоларида 10 та автотранспорт воситаси 720 000 сўмга сотилди.

Жами савдо натижалари: 2 770 000 сўм.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Чортоқдонмаҳсулот» очиқ ҳиссадорлик жамияти акциядорларини навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2002 йил 22 октябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Йиғилиш жамиятнинг мажлислар залида бўлади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 2001 йилдаги фойдасини қайта тақсимлаш ва дивидендларни тўлаш ҳақида.
2. Жамият Низомига ўзгартиришлар киритиш.
3. Кузатув Кенгашини қайта сайлаш.
4. Бошқа масалалар.
5. 2001 йил учун дивидендлар тўлаш тўхтатилади.

Манзил: Наманган вилояти Чортоқ тумани Ласкидон қишлоғи

Жамият маъмурий биноси.

Ёнингизда паспорт ҳамда шахсни тасдиқловчи гувоҳнома бўлиши шарт.

«Чортоқдонмаҳсулот» очиқ ҳиссадорлик жамияти кузатув кенгаши.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 86-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта серияси 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР	85	61	70	55
80	27	32	81	Сони: 2
90	9	50	18	Телевизор
42	84	39	1	Чипталар
60	16	58	35	рақами
31	79	34	13	10029253.2
69	73	87	8	80007231.3
52	26	57	46	6 ТУР
5	33	54	56	88
53	6	Сони: 2	67	19
64	22	Сумма:	45	Сони: 2
82	24	2250000	83	Телевизор
21	40	Чипталар	25	Чипталар
Сони: 4	11	рақами	15	рақами
Телевизор	89	10005619.3	7	30003754.2
Чипталар	62	60025497.3	Сони: 2	70013135.2
рақами	Сони: 1	4 ТУР	Сумма:	7 ТУР
10000187.3	Телевизор	74	5500000	3
10005739.1	Чипта	29	Чипталар	Сони: 2
30000675.3	рақами	47	рақами	Телевизор
30012525.2	10002169.2	12	20028976.1	Чипталар
2 ТУР	3 ТУР	28	80000943.1	рақами
36	78	77	5 ТУР	70004253.2
49	65	2	4	80017421.3

8 ТУР	40019328.2	Сони: 17	Сони: 184
20	50001146.2	Сумма: 1100	Сумма: 500
Сони: 3	70007607.2	16 ТУР	22 ТУР
Телевизор	70009603.3	37	76
Чипталар рақами	80027716.3	Сони: 19	Сони: 337
20010020.2	11 ТУР	Сумма: 1000	Сумма: 400
50026234.3	41	17 ТУР	23 ТУР
90006682.3	Сони: 6	10	43
9 ТУР	Сумма: 1500	Сони: 31	Сони: 410
71	12 ТУР	Сумма: 900	Сумма: 300
Сони: 3	38	18 ТУР	Қўшимча
Телевизор	Сони: 5	68	тур
Чипталар рақами	Сумма: 1400	Сони: 41	Сони: 10
10011908.2	13 ТУР	Сумма: 800	Сумма: 900
20026734.3	48	19 ТУР	Халтадан
60019929.1	Сони: 8	44	чиқмаган
10 ТУР	Сумма: 1300	Сони: 70	шарлар:
23	14 ТУР	Сумма: 700	17,
Сони: 7	14	20 ТУР	51,
Телевизор	Сони: 89	30	66,
Чипталар рақами	Сумма: 1200	Сони: 123	72,
10002064.3	15 ТУР	Сумма: 600	75,
30001771.3	59	21 ТУР	86
		63	

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 19 сентябрдаги 87-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 тур - ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР
2 тур - ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР
3 тур - 2 хонали уй Тошкент ш.
4 тур - NEXIA автомобили
5, 6, 7, 8, 9, 10 турларда - ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР
Ва кунига пул ютуқлари

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

2002 йил 18, 25, 31 октябрь, 7, 14 ноябрь кунлари соат 11.00 да Республика биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига биринчи навбатда эркин муомаладаги валютага сотиладиган Самарқанд вилоятида жойлашган «Самарқанднефтмаҳсулотлари» корхонасига қарашли қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Пайариқ тумани, «Ўзбекистон жамоа хўжалигида жойлашган 3-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (3-АЁҚШ). **Бошланғич баҳоси — 105 448,8 АҚШ доллари.**
2. Самарқанд тумани, Гулистон ширкат хўжалигида жойлашган 4-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (4-АЁҚШ). **Бошланғич баҳоси — 38 318,9 АҚШ доллари.**
3. Жомбой тумани, Деҳқонобод ширкат хўжалигида жойлашган 32-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (32-АЁҚШ). **Бошланғич баҳоси — 88 086,0 АҚШ доллари.**
4. Нуробод тумани марказида жойлашган 8-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (8-КАЁҚШ). **Бошланғич баҳоси — 29 027,5 АҚШ доллари.**
5. Пахтача тумани, Хумор қўрғонида жойлашган 24-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (24-КАЁҚШ). **Бошланғич баҳоси — 41 679,9 АҚШ доллари.**
6. Иштихон тумани марказида жойлашган 85-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (85-АЁҚШ). **Бошланғич баҳоси — 55 691,0 АҚШ доллари.**
7. Пастдарғом тумани, Улуғбек жамоа хўжалигида жойлашган 38-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (38-КАЁҚШ). **Бошланғич баҳоси — 49 724,7 АҚШ доллари.**

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.
Маълумотлар учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17 www.uzrkmb.com

«Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва жамоаси «Ўзматлуботсавдо» ассоциациясининг бош бухгалтери Жаҳонгир Ҳакимовга волидаи муҳтарамаси

Марҳамат ая ҲАКИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ меҳнат жамоаси «Газавтоматика» ОАЖ заводи директори

Абдулазиз СОБИРОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.